



MILLIY TIKLANISH

10 (382) ● 2016 йил 16 март, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш бўйича тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди

Хоразм вилоятида ЎзМТДПдан сайланган маҳаллий Кенгаш депутатлари 2015 йилда 80 га яқин депутатлик сўровини амалга оширди

Кўмита эшитувида "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг Самарқанд вилоятидаги ижроси таҳлил қилинди

Маънавий иммунитет

Ўзликни асраш — келажакни асраш

ёшлар "uz" доменидан ахборот олгани маъқул

Мустақиллик даврида мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асоси ва пировард мақсадига айланди. Бу жараёнда таълим тизимида ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий этиш орқали турли мафкураравий таҳдидларнинг олдини олиш, уларга қарши мустақам иммунитетни шакллантириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий ва Тошкент шаҳар кенгашлари, Турин политехника университети ҳамкорлигида "Ўзбекистонда Интернет тараққиёти ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни" мавзусида ўтказилган тадбирда шу ҳақда фикрлашилди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Тошкент шаҳар кенгаши фаоллари, пойтахтимиздаги Турин политехника университети талабалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида партия халқимизга ёт ва ёш авлод онги учун зарарли бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ёшларни муҳофаза қилиш мақсадида уларни миллий тикланиш ғояси, миллий маданият ва кадрларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш, навқирон авлод камолотига хизмат қиладиган соғлом ахборот муҳитини яратиш, болаларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофаза қилиш, миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳамда Интернет тармоғида миллий сегментларни ривожлантириш тарафдори экани алоҳида белгиланган. Бу каби тадбирлар партия дастурий мақсадларини амалга ошириш, мамлакатимизда айна шу соҳада амалга оширилаётган ислохотларга муносиб ҳисса қўшишда муҳим аҳамият касб этади.

> 2-бет.

Ўқув-семинар



Сардор Муллажонов суратлари

Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллиги

фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарт

Президентимиз раҳнамолигида аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириляётир. Зеро, ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустақамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди.

Бунинг натижасида, хотин-қизлар жамиятнинг барча соҳасида самарали меҳнат қилиб, ўз иқтисоди ва салоҳиятини тўлиқ намоён этмоқда. Бу эса мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Хотин-қизлар сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтириш, уларни мамлакатимизда амалга ошириляётган изчил ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш борасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси муайян савий-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Партия дастурий мақсад ва вазифаларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилишда ҳам партия сафидаги хотин-қизлар имкониятидан фойдаланиляётир.

> 2-бет.

Миллий ғурур

Аниқ мақсад ва имконият — муваффақият гарови



Соғлом авлодни тарбиялаш — халқимизнинг эзгу мақсади, ҳаёт мазмуни. Шу боис мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида жисмонан ва маънаван соғлом, интеллектуал салоҳияти юксак ёшларни вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди. Зеро, мамлакатимиз тараққиёти фарзанд тарбияси билан чамбарчас боғлиқ.

Бугун ёшларимиз яратилган улкан имконият ва шaroитлардан унумли фойдаланиб, давр билан ҳамқадам бўлишга интилоқда. Кўп соҳада, ҳатто халқаро миқёсда ҳам юксак натижаларни қўлга киритмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университетининг "Ихтирочилар ёшлар" тўғрисидаги аъзоси Баҳит Садиқбоев — улардан бири. Баҳит "Ақлли уй" лойиҳасини ишлаб чиқди.

> 6-бет.

ЎзМТДП ташкилотларида

Авал хабар берганимиздек, яқинда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг пленуми бўлиб ўтган эди. Унда партиянинг ўтган йилдаги фаолияти таҳлил қилиниб, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдига турган вазифалар муҳофаза этилди. Айни кунларда партия Марказий кенгаши пленумида кўрилган масалалар, белгиланган долзарб вазифалар ҳудудий партия ташкилотларининг кенгайтирилган йиғилишларида батафсил таҳлил қилинмоқда.

Сарҳисоб ва галдаги вазифалар

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ҳам айна шу масала муҳофаза қилинди.

Кун тартибидеги биринчи масала юзасидан партия Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Тожибой Романов маъруза қилди. Маърузачи таъкидлаганидек, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши 2015 йилдаги фаолиятини партия сайловолди Платформаси, Устави ва дастури ҳамда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури муносабати билан ишлаб чиқилган иш режаси асосида олиб борди. Партия ташкилоти аҳоли, айниқса, ёшлар қалбида миллий қадриятларимиз, маданий меросимиз, аънава ва урф-одатларимизга бўлган юксак ҳурмат, муҳаббат туйғуларини янада кучайтириш, навқирон авлоднинг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти, саводхонлигини юксалтириш, миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш ва уни ҳаётга татбиқ этиш учун кенг миқёсда сиёсий, маънавий-маърифий тадбирларни амалга оширди.

> 5-бет.

Сессия олдидан

Қадим шаҳар тарихини мукаммал ўрганиш

борасидаги ташаббус-масалани ЎзМТДП гуруҳи халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши сессияси кун тартибига олиб чиқиш учун тайёргарлик кўрмоқда

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида миллий маданиятимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш, юртимиздаги тарихий обида ва ёдгорликларни қайта тиклаш, ўрганиш ва келажак авлодларга бую-бутун етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда Ватанимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадриятлар, урф-одат ва аънавалар ҳамда тарихий меросимизни асраб-авайлашга кўмаклашиш ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади.

Мазкур вазифаларни самарали амалга оширишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг фаоллиги ва ташаббускорлиги муҳим аҳамиятга эга. Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳининг навбатдаги йиғилишида Бухоро шаҳрининг тарихини янада мукаммал, ҳолисона тадқиқ этиш ва Бухоро давлат университетида олий малакали қадимшунос (археолог) кадрлар тайёрлаш борасидаги ташаббус-масалани халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси кун тартибига киритиш хусусидаги масала атрофича муҳофаза қилинди. Йиғилишда партия вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девони ходимлари, депутатлик гуруҳи аъзолари, партия фаоллари, Бухоро давлат университети профессор-ўқитувчилари ҳамда журналистлар иштирок этди.

> 4-бет.

Ушбу сонда:

Хоразм вилояти:

Пленумда белгиланган вазифалар

партия вилоят кенгаши фаолиятини жонлантиришни тақозо этади



> 3-бет.

Ноширлик фаолияти

унинг бугунги ҳолати ва ҳуқуқий асослари муҳофаза қилинди



> 5-бет.

"Куёшли" велосипед

Нидерландиянинг "Solar Application Lab" компанияси ходимлари олд ғилдирағига куёш панеллари ўрнатилган дунёдаги илк "куёшли" "S-bike" велосипедини ихтиро қилди



> 8-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158

Реклама ўрнида



AGROBANK

Мамлакатимизда молия-банк тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижасида банк муассасасари ишлаб чиқаришнинг барча соҳасининг ишончли ҳамкорига айланди. Бунда, айниқса, саноат корхоналари, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, хунармандлик, деҳқон ҳамда фермер хўжалиқларини молиявий қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалигини кредитлаш муҳим аҳамиятга эга.

Агросаноат мажмуининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини янада ошириш, фермер хўжалиқларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аграр соҳада янги иш ўринлари яратиш, кўп тармоқли фермер хўжалиқларини шакллантиришда тижорат банклари муҳим ўрин тутмоқда. Бунга "Агробанк" акциядорлик-тижорат банкининг Самарқанд вилоят бошқармаси фаолияти ҳам яққол далил бўла олади.

Хусусан, банкнинг вилоят бошқармаси томонидан 2016 йилнинг 1 февраль ҳолатига кўра, жами 18,6 миллиард сўм, шундан бевосита қишлоқ хўжалигига 12,7 миллиард, жисмоний шахсларга 700 миллион сўм миқдорда кредит ажратганлигининг ўзи ҳам бу жараёнда улкан қўлдамдаги ишлар олиб борилаётганли-

Банк ва мижоз ҳамкорлиги

жойларда тадбиркорликни жадал ривожлантириш, янги иш ўринлари яратилишига имкон бермоқда

гидан дарак беради.

Ана шундай кенг қўламдаги ижобий ишлар ишбилармон-тадбиркорларга улкан мадад ва қўлайлик туғдираётир. Бу борада мижозлар томонидан олиб борилаётган ишларга эътибор қаратадиган бўлсак, амалга оширилаётган устувор ислохотлар янада ойдинлашади.

Жумладан, банкнинг Жомбой филиали мижози "Ширин Ёрмаматова" масъулияти чекланган жамияти банкнинг доимий ҳамкори. Корхона раҳбари Зулхумор Курбонова аҳолининг қурилиш молларига бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, бизнес-режа ишлаб чиқди ва бу борада ишларни бошлаб юборди. Лойиҳа банкнинг туман филиали комиссияси ўрганиб чиққач, полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 70 миллион сўм кредит ажратиб берди. Натижада, жамият янги иш фаолиятини самарали йўлга қўйиб, 6 кишини иш билан таъминлади.

— "Агробанк" АТБнинг Қўшработ тумани филиали билан кўп йиллардан бери ҳамкорлик қиламиз, — дейди "Sherbek Sherazim margar" хусусий корхонаси раҳбари Шербек Холбўтаев. — Яқинда корхонамиз фаолиятини кенгайтириш мақсадида, тош кесувчи арра ва бошқа бир қанча замонавий ускуналар ҳамда мармар блок сотиб олиш учун 130 миллион сўм кредит олдик. Натижада, корхонамизда 8 янги иш ўрни яратилди. Яқин келажакда фаолиятимизни янада кенгай-

тиришни мўлжаллаяпмиз. Бунда, албатта, яна шу банкнинг кўмагига таянамиз. Ҳамкорликдаги ҳаракат натижасида ўзаро ишонч пайдо бўляпти. Наздимда бу банк учун ҳам, биз учун ҳам муҳим жиҳат.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган аграр ислохотлар жараёнида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг янги соҳа ва тармоқларини барпо этиш, истиқболли хўжалик юритиш шакли сифатида фермер ва деҳқон хўжалиқларининг фаолият юритиши учун оптимал шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Агробанк"нинг вилоят бошқармаси ер ва мулк эгаларининг турли бизнес лойиҳаларини ҳам молиявий қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этмоқда.

— "Агробанк" АТБ билан ҳамкорлик деҳқон хўжалигимизнинг ривожланиши, самарали фаолият юритишида муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди "Юсупов Исмаил" деҳқон хўжалиги раҳбари Исмаил Юсупов. — Самарқанд туманида куз-қиш мавсумида етиштирилаётган помидор, бодиринг ва сабзавот маҳсулотларига катта эҳтиёж бор. Шу боис деҳқон хўжалигимизда ихчам иссиқхона ташкил этиш учун банкдан 100 миллион сўм кредит олдик. Бунинг воситасида аҳоли нафақат деҳқон хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланди, балки қўшимча иш ўринларига ҳам эга бўлди.

Айтиш жоиз, банк кредитлари ва инвестициялари қишлоқ хўжалигининг барча

тармоғига кириб бормоқда. Асаларичилик, балиқчилик, чорва ва паррандачиликни ривожлантириш билан бир қаторда сифатли гўшт ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш каби лойиҳалар ҳам молиялаштирилмоқда.

— "Агробанк"нинг Гўзалкент филиали билан олиб бораётган ҳамкорлигимиз сабаб, тадбиркорлигимизни бошлашга эришдик, — дейди "Маданият пахта дала-си" фермер хўжалиги раҳбари Раҳим Хўжақулов. — Аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашга ҳисса қўшиш мақсадида наслдор чорва моллари сотиб олиш учун бизнес-лойиҳа ишлаб чиқиб, уни банк филиалининг кредит комиссиясига тақдим этдик. Натижада лойиҳамга асосан 110 миллион сўм кредит олиб фаолиятимизни ривожлантиришга эришдик. Ҳозирда, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжалигимиз фаолияти анча кенгайди, 10 киши иш билан таъминланди.

Хулоса қилиб айтганда, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, юртимиз иқтисодиётини янада тараққий эттириш борасида олиб борилаётган устувор ислохотлар, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламда бунёдкорлик жараёнларида банк жамоаси ҳам камарбаста бўлаётир.

Ўз мухбиримиз

Миллий гуруҳ

Аниқ мақсад ва

ИМКОНИЯТ —

муваффақият гарови

«Давоми.

Бошланиши 1-бетда.

— Ҳаётимизни электр энергиясиз тасаввур этиб бўлмайди, — дейди Бахит Садирбоев. — Мазкур ихтиро, аввало, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳамда шу билан боғлиқ ноҳус ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган. "Ақли уй" лойиҳаси асосида хоналарга махсус сезувчан мосламалар ўрнатилди, эшик-роғлар автоматик тарзда ҳаракатланадиган ҳолатга келтирилади. Бунда "android" операцион тизимли мобил алоқа воситаси ёки махсус сезувчан мосламалар дарҳол газ ҳидини сезади ва деразаларни автоматик тарзда очиб, хонани шамоллатади. Бундай қурилма ўйда ёнғин чиқиши, сув тошиши, газ исининг чиқиши, электр туташуви сингари қутилмаган вазиятларда фалокатни бартараф этади. Айниқса, мобил телефонга юклатилган махсус дастур орқали хонада чироқ ёниқ қолганини масофадан туриб аниқлаш ва уни ўчириш имконияти мавжуд. Мазкур лойиҳамизни кичик уй макетида синаб кўрдик. Натижа — жуда яхши.

Бахит "Ихтирочи ёшлар" тўғрагида аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш мақсадида "автоматлашган қуёш панели"ни ҳам яратди ва Республика инновацион фоғлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида қатнашиб, нафақат мамлакатимиз, балки хорижий мутахассисларнинг ҳам эътиборини тортиди.

— Ушбу панел муқобил энергиядан тўлақонли фойдаланиш имконини беради, эрталаб қуёш чиқиб ботгунга қадар қуёшга қараб ўз жойлашсини ўзгартиради, — дейди "Ихтирочи ёшлар" тўғраги раҳбари Жонибек Тожиев. — Шунингдек, ушбу автоматлашган панел қуёш нурларидан келувчи иссиқлик энергиясини электр энергиясига айлантириб беради. Мазкур қурилма ихчам қўринишга эга бўлиб, катта майдонни эгалламайди, экологик безарар. Қуёш электр-станциясининг иссиқлик электрстанцияларидан фарқи бутунлай ёқилгисиз ишлайди. Панел остида ўрнатилган мотор орқали горизонтал ва вертикал ҳолатда ҳаракатланиб, керакли ёруғликни тортиб олади. Ушбу лойиҳа электр энергиясидан самарали фойдаланишга ёрдам беради. Бундан кўриладиган фойда 50-60 фоизга тенг бўлиб, қўзғалмас қуёш панели бир йиллик энергияни 7-8 ой ичида ишлаб чиқариш имконини беради. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Физика-техника институти мутахассислари ҳамкорликда ишлашни тақлиф қилмоқдалар.

Бахит Садирбоев айни пайтда "Ақли машина" қурилмаси устида иш олиб бормоқда. Мазкур қурилма автомобилга ўрнатилди, йўлдаги қутилмаган тўсиқ ва объектлардан ҳайдовчини огоҳлантиради. Унинг дастурий таъминотида қўшимча тарихасида объектни айланиб ўтиш, тормоқ бериш, машина тезлигини автоматик пасайтириш, йўл ҳолатини, об-ҳавонини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш каби хизматлар ҳам киритилиши мумкин.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда илм-фан, таълим ривожига кўрсатилаётган эътибор натижасида ёшлар етук мутахассис сифатида камол топишаётир. Ўз ақл-заковати, билим-тафаккури, ғайрат-шижоати ва энг муҳими, тоғдек таянчи — Ватанига, халқига суяниб, маррани баланд олиб яшаётган ёшлардан бири — Бахит Садирбоев фаолияти бунга яққол мисол.

Тўмарис Аъзам,
"Milliy tiklanish" мухбири

Реклама

ШОВОТ ТУМАНИДАГИ 289-СОҢ

хўжалиқлараро кўчма механизациялашган

колонна масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Жаннатмонанд ўлкамизга ўз таровати,
хушбўй ифорлари билан кириб келган
баҳор фаслининг ардоқли айёми

НАВРЎ

билан чин дилдан табриклайди.

ТУРМУШИМИЗДАН ОБОДЛИК, ҚУТ-БАРАКА АРИМАСИН!

Тадбир

Истеъмолчилар мурожаати

диққат-этиборимизда

Миллий матбуот марказида халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг истеъмолчилар ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда қўмитанинг кенг жамоатчилик ўртасида олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида аҳолининг ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни аҳоли манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётир.

2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органларига истеъмолчилардан 5 мингдан зиёд мурожаат келиб тушган. Улар ёзма шаклда, "ишонч телефони", www.istemolchi.uz, potrebitel.uz веб-порталлари орқали қабул қилинган. Ёзма аризаларнинг 92 фоизи истеъмолчилар фойда-сига ҳал қилиниб, 1 миллиард 325,5 миллион сўм маблағ қайта ҳисоб-китоб қилинган. Шунингдек, фуқароларнинг коммунал хусусан, табиий газ ва электр таъминотидаги мурожаатлари жойида ўрганилиб, ҳал қилинган.

— Мамлакатимизда истеъмолчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг қонун билан ҳимояланиши бўйича етарлича шарт-шароит яратилмоқда, — дейди қўмита бошқармаси бош мутахассиси Абдураҳмон Рауфов. — Нафақат "ишонч телефонлари", балки ижтимоий тармоқлардаги истеъмолчилар саҳифалари орқали тушган мурожаатлар бўйича ҳам тегишли чоралар кўрилади.

Давра суҳбатига савдо ташкилотлари, тиббиёт муассасалари, маиший хизмат кўрсатиш, коммунал хўжалик соҳалари фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш, истеъмол бозорида қонунчиликка риоя этилиши бўйича олиб борилган ишлар хусусида кенг маълумот берилди. Иштирокчилар ҳамда ОАВ ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга атрофича жавоб олдилар.

Семинар

Халқимиз қадимдан бой хунармандлик мероси билан ном қозongan. Кўзни қамаштирувчи зардушк буюмлари, анвойи палагу сўзана, моҳир уста қўлида сайқал топган сопол идишлар, ёғоч ва ганч ўймакорлиги буюмлари бугунги кунда ҳам қий-матини йўқотмаган. Миллий анъаналаримизни тиклаш, уларни келгуси авлодларга етказишда халқ хунармандчилигининг ҳиссаси катта.

Қадимий хунар замонавий талқинда

Ўзбекистон Республикаси "Хунарманд" уюшмаси томонидан ота-боболаримиздан қолган бой меросни келгуси авлодларга етказиш, ёшларни миллий қадриятларга муҳаббат руҳида тарбиялаш, халқ санъати усталарининг бой тажрибаларини ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида табиий жундан маҳсулотлар тайёрлаш технологиялари мавзусида 5 кунлик ўқув-семинар ташкил этилди. Унда мамлакатимиз уста-хунармандлари ҳамда хорижлик мутахассислар иштирок этди.

— Кигизчилик қадимдан Сурхондарё, Қорақалпоғистон, Хоразм, Фарғона водийсида кенг тарқалган, — дейди бухоролик хунар-

манд Наргиза Ҳамидова. — Бироқ бизнинг воҳамизда у қадар оммалашмаган эди. Ҳозирда вилоятимизда кигиздан эркаклар ва аёллар учун оёқ кийимлар, болалар бош кийимлари, ҳатто қўл телефонлари учун гиллофлар тайёрлаш ўзлаштирилмоқда. Аввал кигизнинг гулдор, ранг-баранг нақшли турлари тайёрланган бўлса, ҳозирда оқ рангли кигизга ишлов ва кашта билан беэка беришни бошладик. Бу маҳсулотларимиз нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик меҳмонларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқ-

да. Мазкур семинарда хорижлик мутахассислар ўтказган маҳорат дарслари орқали олган сабоқларимиз кигизчиликни янада ривожлантиришда катта аҳамият касб этади. Шунингдек, биз каби хунармандлар фаолиятини янада ривожлантириш, қадимий хунармандлик турларидан ҳисобланган табиий жундан маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бу борадаги янги технологиялардан фойдаланиш усуллари билан таништиришга хизмат қилади.

Семинар сўнггида иштирокчиларга сертификат ва эсдалик совғалари топширилди.

Тўмарис ХУДОЙБЕРДИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз ҳамда уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Бу борада, айниқса, истиқлол шарофати билан янгича маъно-мазмун касб этган, маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланган умумхалқ ҳашарлари муҳим ўрин тутди. Бу эзгу қадриятни ёшлар онига сингдириш, уларни мамлакатимиздаги мустақиллик даврида бунёд этилган иншоотлар, тарихий қадамжолар ҳамда обидаларга ташрифларини кўпайтириш, мамлакатимизда ички туризмни ривожлантириш, навқирон авлод фаоллигини ошириш ва рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикла-ниш" демократик партияси Марказий кенгаши "Юртим тарихини ўрганаман" шiori остида "Тарихдан садо бергувчи обод гўшалар" ёшлар акцияси доирасида танлов эълон қилади.

Танлов шартлари:

1. Акция доирасида ҳудудий партия ташкилотлари "Ёшлар қаноти" етакчилари ва аъзолари иштирокида маданий ёдгорликлар жойлашган ҳудудларда ободонлаштириш ишларини олиб бориш. (Бунда маданий ёдгорликлар жойлашган ҳудудни ҳашар йўли билан тозалаш, ободонлаштириш, қўчатлар экиш ишлари олиб борилади).
2. Ободонлаштириш ишлари олиб борилган қадимий ёдгорликлар тарихини ўрганиш (ободонлаштирилган маданий ёдгорликнинг тарихий ўтмиши ва бугунги ҳолати ҳақидаги маълумотларни ўзида акс эттирган, иштирокчилар интервьюси асосидаги мақолани республика газети ва журналларида чоп этиш, шунингдек, ҳудудий ОАВда ёритилганлиги тўғрисида босма нашр хусуси, радиоэшиттириш ва видеороликларни белгиланган муддатларда тақдим этиш).
3. Ҳашар уюштирилган маданий ёдгорликларда ҳудудий партия ташкилотлари "Ёшлар қаноти" амалга оширган ишларини акс эттирувчи фотоальбом тайёрлаш.

ИЗОХ: тақдим этиладиган маълумотлар (асл ва электрон хусалари) 2016 йилнинг 14 май кунига қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Танлов ўтказувчи комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси 53-уй (Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони Ёшлар масалалари бўлими, yoshlar@omt.uz).

Акцияни ўтказиш тартиби

Тақдим этилган маълумотлар Ташкилий гуруҳ томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.
Акция жорий йилнинг 10 мартдан 10 май кунига қадар давом этади. Ҳабиблар акция якунига бағишланган тадбирда тантанали равишда тақдирланади.

Ташкилий гуруҳ



“ШИМОЛГАЗТАЪМИНОТ” УК
Хоразм вилояти шаҳар ва тумангаз
филиаллари фаолиятини
мувофиқлаштириш бошқармаси ва
Урганч шаҳаргаз филиали жамоаси



Барча юртдошларимизни
эзгулик ва меҳр-саховат рамзи —

Наврӯз айёми

билан самимий табриклайди!

Оилавий бахт, тинчлик ва
хотиржамлик сизни асло тарк этмасин.

БАЙРАМ МУБОРАК, АЗИЗЛАР!

Реклама

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ПРОФЕССОР ВА ҲАМКАРЛАРИ ЖАМОАСИ,
“ҚАМОЛОТ” ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ

Миллий одат ва
қадриятларимизнинг
бетакрор тилеги

Наврӯзи

олам билан қутлайди.

Фарзандларимиз биздан кўра кучли,
билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!



Боқий айём барчамизга қутлуғ бўлсин!

Реклама



“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” АЖ
ХОРАЗМ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз аҳлини
эзгуликлар тантанаси
мужассам бўлган —

НАВРҮЗ **ШОДИЁНАСИ**

билан муборакбод этади.

ОПТАНГИЗ
ҲАМИША ТИНЧ,
ЮРТИМИЗ
ОБОД БЎЛСИН!





ЎРМАТЛИ ИЮРДОШЛАР!

“Асака” банк жамоаси

Сизларни байрами чин юракдан муборакбод этади!
Юртимиз янада обод ва халқимиз ҳаёти бундан-да фаровон бўлсин!

Дастурхонлардан қут-барака, турмушингиздан файз аримасин? азиз ватандошлар!

Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин ва салоҳиятга эга бўлган Ватанимиз янада гуллаб-яшнайсин!

НАВРЎ — 2016

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилди.

Шу билан биргаликда, “Асака” банк миллий валютада 27 турдаги ва хорижий валютада 17 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини қафолатлаш жамғармаси томонидан қафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ қафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

“Асака” банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини қафолатлайди!

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган.

Реклама

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Гипотония қандай касаллик?

Ковокларингиз оғирлашиб, кўзларингиз юмилиб кетяптими? На аччиқ қора чой ва на қаҳва ёрдам бермаётими? Уйлаб кўринг, балки гипотония касаллигига йўлиққандингиз!

Тиббиётда қон босимининг катта ёшларда 90/60, болаларда эса 70/40 миллиметр симоб устунидан пасайиб кетиши гипотония (артериал гипотензия) деб аталади. Тўғри, бу касаллик натижасида гипертонияда бўлгани каби инфаркт ёки инсулт келиб чиқмайди, лекин бемор ҳолсиз бўлиб қолади, иш қобилияти пасаяди. Соғлом кишида юрак-қон томир тизими бир меъёردа ишлайди. Гипотония касаллигида эса қон томирлар ҳаддан ташқари кенгайиб, унинг таранглиги пасайиб кетади. Оқибатда ўша тизим фаолияти бузилади. Қоннинг кўп қисми томирларда қолиб, юракка кам етиб келади. Сўнг юрак чиқариб берадиган қон миқдори пасаяди. Бош мия томирлари ҳам қон билан тўла таъминлана олмайди. Гипотониклар қувватсизлик ва кўп терлашдан нолийдилар. Асабнинг қаттиқ бузилиши, вақтида дам олмаслик, сурункали тўйиб ухламаслик, ҳам ҳаракатлилик қон босимининг пасайишига олиб келади. Шунингдек, ташқи салбий омиллар — ионли радиация, бензол, қўрғошин билан кўп ишловчилар ҳам қон босими пасайишига мойил бўлишади. Гипотония баъзи касалликлар (аддисон, миксидема, гипогликемия, ўткир ва сурункали гепатит) асорати, қон босимини туширадиган дориларни кўп ишлатиш оқибатида ҳам келиб чиқиши мумкин.

Гипотонияга чалинган киши, албатта, тиниқиб, 9-10 соат ухлагани маъқул. Уйқудан уйғониб, бирданга туриб кетмаслик керак. Маълумки, одам ухлаганида қон асосан ички аъзоларда тўпланган бўлади ва бош мия қон билан тўлиқ таъминланмайди. Бундай вазиятда гипотоник бирданга ўрнидан турса, боши айланиши, ҳатто ҳушидан кетиб қолиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун ётган ҳолатда энгил гимнастика машқларини бажариш (қўл бармоқлари, тизза ва тирсак бўғимларини букиш) керак. Умуман, гипотонияда пиёда сайр қилиш, сузиш, жисмоний зўриқиш талаб қилмайдиган спорт ўйинлари билан шуғулланиш фойдали. Гречиха ва сули ёрмасидан тайёрланган бўтқалар фойдали. Сабзи, қизилча, бақлажон ва цитрус мевалар еб туриш керак, ёғли ва ҳамир овқатлардан эса тийилган маъқул. Бемор учун қора тут жуда фойдали.

БИЛАСИЗМИ?

● АҚШнинг Калифорния штатидаги Мохаве чўлида жойлашган “Ivanpah Solar Electric Generating System” — дунёдаги энг йирик куёш электр станцияси. Унинг умумий қуввати 392 мегаватт.

ТУРФА ОЛАМ

Ноёб икки топилма

Грециянинг Крит оролида жойлашган қадимги Аптера шаҳрида олиб қорилган қазилма ишлари давомиди археологлар қадимги юнон маъбудлари — Артемида ва Аполлоннинг кичик ҳайкалларини топиб олди.

Бу ҳақда мамлакат Маданият вазирилик маълум қилган. Ҳайкалларнинг баландлиги таққирисин билан ярим метр, ўзи эса 35 сантиметр. Тадқиқотчилар топилмалар миллодий I асрнинг иккинчи ярми, II асрнинг бошларига тааллуқли деб ҳисобламоқда. Артемида ҳайкали бронзадан, Аполлонники эса мрамрдан ишланган. Ҳайкаллар яхши сақланган. Артемида қўлида ёй кўтарган ҳолда тасвирланган. Аполлон ҳайкалининг қўли сақланиб қолмаган. Бироқ ҳайкал асосида қизил бўёқ излари аниқланди. Олимлар фикрича, улар оролга уй ибодатхонасини безаш мақсадида олиб келинган.

Юнон афсонасига кўра, улар Зевс ва Летонинг фарзандлари ҳисобланади. Артемида — ов, унинг укаси Аполлон эса мусиқа, тиббиёт, ёруғлик ва ҳақиқат маъбудиди бўлган.

“Куёшли” велосипед

Нидерландиянинг “Solar Application Lab” компанияси ходимлари олд гилдирагига куёш панеллари ўрнатилган дунёдаги илк “куёшли” “S-bike” велосипедини ихтиро қилди.



Аслида электр велосипедни ҳаракатлантириш учун куёш энергиясидан фойдаланиш янгилик эмас, бироқ шу чоққача куёш панелларини унинг олд гилдирагига ўрнатиш фикри ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди. Аънавий электр велосипедлар аккумулятори зарядлаш учун махсус қувватлагичларга эҳтиёж сезади. “S-bike” велосипеднинг аккумулятори улардан фарқли равишда ҳаракатланиш вақтида педални айлантириш ҳисобига қувват олади. Лойиҳа муаллифлари “куёшли” транспорт воситасини яратиш орқали, аввало, атроф-муҳит мусаффолигини сақлашга ҳисса қўлиши мақсад қилинган.

Ҳозирда “S-bike” велосипеди 3 минг еврога баҳоланмоқда. Лойиҳа муаллифларининг айтишича, яқин вақт ичида унинг нархи яна туширилиши мумкин.

Ш.ГАФФОРОВ тайёрлади.

ЭЪЛОН!

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 14-уйда жойлашган “MUNITSPAL EKONOMIKASI VA INJINIRING MARKAZI” масъулияти чекланган жамиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакли хусусий корхона шаклига ўтказилаётганлиги эълон қилинади. Мурожаат учун телефон: 8(371) 235-92-55.

ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашига партиядан сайланган депутат Обобакир Хожиевга онаси

Зебихон ХОЖИЕВанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши депутати Эркинжон Валихоновга падари бузруквори

ЭРГАШБОЙ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Барча юртдошларимизни умумхалқ шодиёнаси —

НАВРЎ

байрами билан табриқлаймиз.

Баҳор таровати, табиатнинг уйғониш фасли, яшариш ва янгиланиш палласи сизу бизга гўзаллик завқу шавқини, эзгулик саодатини бахш этсин!

БАЙРАМ МУБОРАК!

Қизилтепа туманидаги “ШАРҚ ҚУРИЛИШ СЕРВИС” МЧЖ ЖАМОАСИ